

Муслима аёл эҳтиёжманд спортчи оилаларга муваффақият қозонишда ёрдам беради



11:37 / 26.05.2021 1257

Британияда аҳолининг паст қатламидан иборат ёш чавандозлар муслима аёл Хадича Меллах ҳомийлик қилаётган янги академия пойгасида қатнашиш имкониятига эга бўладилар. 2019 йилда Гудвуд от пойгасида ғолиб бўлган Хадича Меллах биринчи инглиз муслима аёли ҳисобланади.

«От пойгаси менинг ҳаётимни тубдан ўзгартирди ва умид қиламанки, «Riding A Dream Academy» (От мусобақаси орзулар академияси) форумида қатнашиш кўп ёшларнинг ҳаётини ўзгантиради», дейди Хадича. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради.

От мусобақаси жамғармасининг ишончли вакили ва форум бошқарув гуруҳи раиси Сюзанна Гилл ҳам янги академияни юқори баҳолаб, ушбу сўзларни таъкидлаб ўтган: «От мусобақаси — британиялик пойга мусобақаларини инклюзив спорт турига айлантириш учун зарур бўлган ижобий ҳаракатларнинг ажойиб намунасидир. Бу ерда ҳар ким ўз кучини ишга солиш имкониятига эга».

Янги академия Хадича номли қисқа ҳужжатли фильм номи билан аталди. Фильмда «Ebony Horse Club» хайрия жамоатидан бўлган ўспирин қизнинг Магнолиа кубоги форумида профессионал чавандозлар билан рақобатлашиб тарихий ғалаба «Glorious Goodwood» совринини қўлга

киритгани тасвирланган.

Таржимон Мунира Баҳодиржон қизи